

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 29-iyun, shanba  
№ 49 (15687)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Navqiron avlod so'zi

### Юртга хизмат қилиш — бурчимиз

Касб байрамимиз муносабати билан мухтарам Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригини диққат билан эшитдим. Биласизми, дунёда соҳалар кўп, давлатлар ҳам талайгина. Лекин Ўзбекистондек оммавий ахборот воситалари ва журналистларга юксак эътибор қаратиладиган мамлакатни топиш қийин.

Чунки мустақилликнинг илк кунларидан биз янги ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга киришдик. Ривожланган давлат ва фуқаролик жамиятида эса, матбуот доимо халқ манфаати йўлида хизмат қилиб, инсонлар турли воқеа-ҳодисаларга эркин муносабат билдиришлари, ўз фуқаролик позициясини намоён этишлари учун очиқ минбар вазифасини ўтайди. Шу боис юртимизда ахборот соҳасини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратилиб, бу бўйича кўплаб ишлар, кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Авалло, ўтган йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ҳозир Парламентда соҳамизга доир янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши ва юртимиз ахборот маконида уларнинг улуши тобора ортиб бораётгани ҳам соҳа истиқболи йўлида эришилган катта ютуқдир. Боринги, эндиликда анъанавий медиа воситалар билан бирга, ҳаётимизга рақамли телевидение, интернет-телевидение ва интернет-радио сингари замонавий ахборот воситалари ҳам кириб келяпти. Бундай ўзгаришлар, албатта, биз, журналистлар олдида янги талабларни қўйиши табиий. Жумладан, бугун журналист нафақат профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, балки замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда

чет тилларни пухта эгаллаши кераклигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Газетадаги журналистик фаолиятим давомида шахсан ўзим бунга такрор ва такрор амин бўляпман. Зеро, Юртбошимиз байрам табригида таъкидлаганидек, «жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак».

Шу билан бирга, қайси йўналишда фаолият олиб бормасин, қайси мавзунини ёритмасин, аввало, юрт манфаатларини устувор деб билиш ва шу асосда воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний ва холисона ёритиш ҳар бир журналистнинг профессионал бурчидир. Дунёда ахборот макони тобора кенгайиб бораётган, турли ахборот оқимлари орқали ҳаётимизга зарарли ва ёт ғоялар ҳам кириб келаётган бугунги глобализация даврида ушбу бурчни сидқидилдан адо этишимиз даркор.

Юртимизда журналистларнинг меҳнати муносиб қадрланаётгани ҳам кишини қувонтиради, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан биз, ёш журналистларга кўрсатилаётган эътибор жуда юқори. Бу йил журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» VIII миллий мукофотида сазовор бўлдим. Мен учун бу, шубҳасиз, катта ютуқ. Унга муносиб бўлишни эса, бурчим деб ҳисоблайман.

**Анвар КУЛМУРОДОВ,**  
«Қишлоқ ҳаёти» газетаси  
бош муҳаррир ўринбосари,  
«Олтин қалам» VIII миллий  
мукофоти соҳиб

### ISTIQLOL FARZANLARI



Сардор Муллажонов фотокўлажи

Kun mavzusi

## Бирламчи вазифа — миллий манфаатни ҳимоя қилиш

Пойтахтимизда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари ва журналист масъулияти» мавзусида журналистлар учун семинар ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси масъул ходимлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Семинарда Президентимиз Ислон Каримовнинг Матбуот ва ОАВ ходимлари кунини муносабати билан йўллаган табригида журналистлар олдида қўйилган янги вазифалар, оммавий ахборот воситаларининг бугунги тезкор даврдаги ролини, журналистнинг фуқаролик позицияси ва касбий

фаолиятини янада такомиллаштириш, ижодий фаолиятга янги қадамлар каби масалалар хусусида тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВнинг роли ва аҳамиятини янада ошириш, ёш авлодни турли ёт ғоявий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларни миллий қадриятларимизга содиқ ҳолда камол топиши учун қилинадиган ишлар борасида мутахассислар томонидан тавсиялар берилиб, таклифлар билдирилди.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

# Корхонага ишчи, битирувчига иш ўрни бор

Бurch va majburiyat

Бу йил Жиззах вилоятидаги 75 касб-хунар коллежини 66 мутахассислик бўйича 18 минг нафардан зиёд ёш мутахассис битирмоқда. Айтилган уларнинг қарийб барчаси билан ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш назарда тутадиган уч томонлама шартнома тузилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Фаллаорол туманидаги «Гулистон» қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини тамомлаётган 225 нафар ёш мутахассиснинг аксарияти тез орада қишлоқдаги корхоналарда иш бошлайди.

Кейинги йилларда мазкур таълим муассасаси жойлашган «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда учта янги корхона ишга туширилгани ва турли соҳаларда йигирмадан зиёд янги лойиҳа амалга оширилгани бунга етарли шарт-шароит яратди. Масалан, 200 тонна мева-сабзавотни сақлаш сигими эга «Илғор барака сервис» корхонаси 5 нафар, мева-сабзавотни қайта ишлайдиган «Гулистон Сангзор томат» корхонаси 10 нафар, қурилиш куми ва шағал ишлаб чиқарадиган «Ойбек Диёр» корхонаси яна шунча битирувчини иш билан таъминлаш бўйича шартнома имзолади. Битирувчиларнинг аксарияти ҳудудда ташкил этилган интенсив боғдорчилик, чорвачилик фермер хўжалиқларида ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашадиган бўлди.

— Битирувчи, иш берувчи ва таълим муассасаси ўртасида имзоланган шартномалар ижросини назорат қилишда фуқаролар

йиғини фаоллари муносиб иштирок этмоқда, — дейди «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Акмал Мавлонов. — Ёшларни ишга жойлаштиришда аввалги йилларда тўпланган илғор тажрибалар ишга солинаётгани, қолаверса, ҳудудимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш соҳасида замонавий корхоналар барпо этилаётгани бунга асосий омил бўлмоқда.

Коллеж битирувчиларини ўқув амалиётини ўтаган корхонага ишга жойлаштириш тажрибаси кенг қўлланилаётган. Масалан, Фаллаорол саноат касб-хунар коллежини бу йил саккиз йўналиш бўйича битириб чиқарган 323 нафар йигит-қиз ишлаб чиқариш амалиётини ҳудуддаги газ ишлаб чиқариш магистраль бошқармаси, туман нефть, газ, электр тармоқлари, автотранспортларга техник хизмат кўрсатиш корхоналарида ўтади. Бўлажак мутахассислар амалиёт даврида ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишиб, янги технологияларни жорий этишда бевосита иштирок этгани уларнинг билим ва малакасини оширишда муҳим омил бўлди. Шунинг учун битирувчилар уч томонлама шартнома асосида ишга йўллангани ўзлари амалиёт ўтаган корхонага олмоқда.

— Коллежимизда ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш амалиёти усталари томонидан ёш мутахассисларга замонавий технологияларни бошқаришни ўргатиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, — дейди коллеж директори Аъзам Фозилов. — Ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари, Жиззах политехника институтининг инновацион ғоялар ва технологиялар маркази билан ҳамкорликда тайёрланган ушбу тавсиялар битирувчиларнинг амалий фаолиятида қўл келтирилади.

Вилоятда коллеж битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига

жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил 72 нафар коллеж битирувчисига 236,4 миллион сўм банк кредити ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга ёрдам берилди. Жумладан, коллеж битирувчилари томонидан Бахмал, Фаллаорол, Зомин, Фориш, Янгибод каби тоғли туманларда интенсив боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари ташкил этилди.

Вилоятда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасида корхоналарда ёш мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёж аниқ ҳисобга олинган. Ушбу режага асосан барча коллежда вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари иштирокида битирувчиларнинг иш берувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлари ўтказилди. Айтилган ҳудудлардаги барча бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар шакллантирилиб, касб-хунар таълими муассасаларига тарқатилди. Бундан ташқари, йил давомида барча туманда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 3 минг нафардан зиёд битирувчи қатнашиб, иш берувчилар билан уч томонлама шартнома имзоланди.

Касб-хунар коллежи битирувчиларини ўзлари эгаллаган соҳалар бўйича ишга жойлаштириш уларнинг эртанги ҳаёти фаровон бўлишида, давлат ва жамиятга наф келтиришида муҳим аҳамият касб этади. Содда қилиб айтганда, бундай ёндашув корхона учун ҳудуднинг ўзиде керакли мутахассис тайёрланишини, коллежни битирган мутахассис учун эса иш жойи аниқ бўлишини кафолатлайди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири



«Kamolot» loyihalari

## ТЕНГДОШЛАРИМИЗ ФИНАЛГА ШАЙ

«Kamolot» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Термиз шаҳридаги «Алпомиш» стадионида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича «Kamolot» кубоги турнирининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларидан ўз ҳудудларида ғолиб бўлган биттадан жамоа иштирок этди.

Мазкур турнир ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида камолга етказиш, футболни омдалаштириш, иқтидорли ёшларни танлаб, уларнинг футболимиз ривожига муносиб ҳисса қўйишига кўмаклашиши билан аҳамиятга моликдир.

Биринчи ўрин Сурхондарё ва Қашқадарё жамоалари ўртасида кечди. Унда мезбонларнинг «Сурхон» жамоаси қашқадарёлик тенгдошларидан устун келиб, 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи ўрин ҳам мезбонлар устунлигида ўтди. Сурхондарёлик ёшлар 4:0 ҳисобида «Бухоро» жамоасини мағлуб этиб, «Kamolot» кубоги турнирининг республика босқичига йўллангани нақд қилди.

## ЁЗ СОЗ ЎТМОҚДА

Ёзги таътилда сурхондарёлик болалар мароқли ҳордиқ чиқаришмоқда.

Вилоятдаги «Вахшивор», «Чашма Тошпўлатбой», «Бешбулоқ», «Сурхон-Шеробод», «Нефтчи», «Хонжиза», С.Раҳимов, Қулниёзов номли оромгоҳлар болаларнинг таътилинини кўнгилдагидек ўтказишга хизмат қилмоқда.

«Kamolot» ЁИХнинг вилоятдаги ҳудудий кенгашлари навбатдаги лойиҳаларни оромгоҳларда ўтказишяпти. Айниқса, «Ёзи «Камалак» билан!», «Kamolot» кунлари лойиҳалари болаларнинг бўш вақтларига мазмун бағишлаяпти.

«Рақс гулшани» танлови, «Ёз — ўтмоқда соз!» шиорли спорт мусобақалари, «Kamolot» ва «Камалак»ни биласизми?», «Етти хислат элчилари» мавзудаги семинар-тренинглар болаларга хуш кайфият улашиш баробарида уларнинг ҳамжихатлигини таъминлаяпти. Шунингдек, «Бизнинг оромгоҳ» шиори остида «Энг яхши гуруҳ», «Энг саришта хона», «Оромгоҳнинг энг фаол иштирокчиси», «Энг яхши деворий газета» номинациялари бўйича ўтказилган кўриктанловларда намунали болалар сараланиб, баддий китоблар билан рағбатлантириляпти.

— Турли тадбирлар ўтказиш орқали нафақат болаларга қувноқлик улашяпмиз, балки уларнинг «Kamolot», «Камалак» ҳақидаги тасаввур ва таассуротларини бойитишга ҳаракат қиляпмиз, — деди «Kamolot» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгашининг маънавий-маърифий ишлар бўлими мудир Раҳматулла Тоғаев. — Ҳар бир оромгоҳга Ҳаракатнинг туман кенгашларидан вакиллар, сардорлар кенгаши аъзолари бириктирилган. Улар оромгоҳларга бориб, турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, семинар-тренинглар ташкил этишади. Бундан кўзланган муддао ёшларнинг таътили қизиқарли ўтишига ҳисса қўйиш, уларнинг тафаккурини эзгу ғояларга йўналтириш, ука-сингилларимизни иллатлардан огоҳ этишдир.

Айтилган оромгоҳлар қайноқ ҳаёт оғушида. Демак, болаларнинг қувноқ қийқириқларига ҳамоҳанг тарзда Ҳаракатнинг ажойиб лойиҳалари ҳам давом этади.

Жасур РАҲМОҲОВ,  
«Turkiston» мухбири

Хайриддин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири

# Ўринли таклифлар билдирилди

«Kamolot» sadosi

Самарқанд вилоят «Матбуот уйи»да «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳамда соҳада устувор вазифаларни бажаришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда вилоят ёшлари ўртасида олиб борилаётган ишлар, Ҳаракатнинг дастур ва низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият ҳақида сўз юритилди. «Kamolot» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши раиси Алишер Норбоев Ҳаракат томонидан жорий йилда ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Тадбир давомида ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳал

этишда «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ўртага ташланди. Хусусан, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев «Kamolot» ЁИХда ахборот ва матбуот ходими фаолиятини янада жонлантириш ҳақидаги таклифни билдирди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Мамадиёр Зиёвуддинов эса, тўйларнинг дабдабали ўтказилишининг олдини олишга қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ҳаракат томонидан намунали тўйлар ташкил этиш таклифини билдирди. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш борасида ҳам қатор таклифлар ўртага ташланди.

Анжуман якунида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳамда самарқандлик ёшлар фаолиятини ёритиб борувчи бир гуруҳ журналистлар рағбатлантирилди.

# Он-лайн мулоқот

Ilm sarhadlarida

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида тўқимачилик ҳамда енгил саноат соҳалари учун кадрлар тайёрлашга бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди

Тадбирда вазирлик раҳбарияти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда видеоконференцияга масофадан туриб уланган Жиззах политехника, Наманган муҳандислик-технология, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтлари, Қорақалпоғистон давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Мутахассислар ушбу таълим муассасаларида рақобатбардош замонавий кадрларни тайёрлаш ва бу жараёнда татбиқ этилаётган янгилликлар, таълим ва илм-фан интеграцияси, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари билан корпоратив ҳамда инновацион ҳамкорликни ўрнатиш, ишлаб чиқаришдаги муаммоларни илмий ҳал этиш каби масалаларни он-лайн тарзда муҳокама қилдилар.

Енгил саноат мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Юртимизда кўплаб пахта тозалаш, тўқимачилик, матбаа, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Тармоқ корхоналари учун малакали кадрларни етказиб бериш айна кундаги долзарб вазифадир. Бу борада Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти республикамиздаги етакчи олий таълим муассасаси саналади. Видеоконференцияда ТЕСИ ректори Қадамбой Жуманиёзов институтда талабаларнинг таълим олиши ҳамда илмий фаолият билан шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳақида гапириб ўтди.

— Тараққиётнинг бугунги босқичида тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарига автоматизациялашган тизимлар, замонавий техника ва технологиялар жорий этиляпти. Албатта, ишлаб чиқаришдаги бундай янгилликлардан бўлғуси соҳа вакиллари хабардор бўлишлари шарт, — таъкидлади Қ.Жуманиёзов. — Шу мақсадда ўқув жараёни амалиёт билан увзийликда олиб боришга асосий эътибор қаратганмиз. Масалан, ҳозир институтимизда кичик пахта тозалаш заводи ишлаб турибди. Бу ерда талабалар ишлаб чиқаришдаги барча технологик жараёнларни майда деталларгача кўриб ўрганишлари

мумкин. Институтда ҳақиқий технологик сертификатлаштириш лабораторияси ҳам мавжуд. У Ўзстандарт агентлигининг патентига эга. Лабораторияда маҳсулот сифатини аниқлаш бўйича ўқув машғулоти олиб борилади. Амалиёт дарсларида, шунингдек, замонавий йигирув, тўқув, трикотаж ва юқори технологик матбаа машиналари, пардозлаш жиҳозлари ҳамда бошқа зарур техник воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Талабалар ўқув амалиётларини корхоналарнинг ўзидан ҳам ўташади. Ишлаб чиқариш корхоналарида мутахассислик кафедраларининг ўндан ортик филиаллари ташкил қилинган.

Тадбир давомида ТЕСИ кафедралар мудирига ҳам сўз берилди. Улар кафедра олимлари ва ёш тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар ҳақида тўхталишди. Масалан, ипак технологияси кафедрасида сўнгги йилларда ипак матолар ва трикотаж учун хомашё тайёрлаш технологиясининг илмий асослари, пиллаларни сифатига қараб саралаш учун қурилма ва дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, табиий ипакнинг узлуксиз ипларидан трикотаж матоларини ишлаб чиқариш, эшилган ва ўрилган жаррохлик ипларини тайёрлаш технологиялари яратилди, пилла гўмбагини жонсизлантириш технологияси такомиллаштирилиб, энергиянинг тежалишига эришилди. Ипак ишлаб чиқаришда чиқиндисиз технологияни яратиш борасида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида эса, охиригача чувилмаган яроқсиз пиллаларни чувиб, ипак ипларини йигириш учун сифатли хомашё олиш, табиий ипакнинг иккиламчи чиқиндиларидан фойдаланиб, пахта-ипак ипларини йигириш ҳамда ипак толали чиқиндилардан қимматбахо қоғоз ишлаб чиқариш учун хомашё олиш технологиялари яратилди. Ушбу илмий янгилликлар ҳозир республикамиздаги кўпгина корхоналарда амалиётга жорий этилган.

Видеоконференцияда қатнашган вилоятлардаги олий таълим муассасалари вакиллари ҳам тошкентлик ҳамкасблари билан юқори тезликдаги миллий электрон таълим тармоғи орқали боғланиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» муҳбири



## Энг фаол ва Энг яхши

Тошкент давлат аграр университетининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қўйи босқичларида ғолиб бўлган 180 нафар Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчиси иштирок этди.

Улар учун ўқув семинари ташкил этилди. Худудий ўқув семинари дастурига кўра, университетнинг профессор-ўқитувчилари иштирокида Президентимиз асарлари, «Етакчи» ёшлар маркази вакиллари томонидан эса, етакчи тушунчаси ва «Камолот» ЁИХнинг бошланғич ташкилот етакчиси фаолияти, шунингдек, танловлар, мусобақалар, интеллектуал ўйинлар ва бошқа тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти ва усуллари каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Семинар давомида бошланғич ташкилотларнинг тақдимот маросими ҳам ташкил этилди.

— Ушбу семинар барча таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида босқичма-босқич ўтказиб келинди, — дейди Тошкент вилояти «Камалак» болалар ташкилоти раиси Азиза Қурбонова. — Асосий мақсад ёшларнинг яхши билим олиши, қизиқиши ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, дарсга қатнашишини доимий назоратга олиш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш-

дан иборат. Мазкур семинарлар таълим муассасаларидаги БТ етакчиларининг ўзаро тажриба алмашишлари ва фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Худудий ўқув семинари сўнггида тест синови ташкил этилиб, бошланғич ташкилотлар етакчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Танловда иш фаолиятим юзасидан тайёрлаган дастурим билан қатнашдим, — дейди танлов ғолиби, Паркент туманидаги 49-мактабнинг бошланғич ташкилоти етакчиси Зилола Абдусаматова. — Дастурга кўра, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва интеллектуал салоҳиятларини кўллаб-қувватлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этдик. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг доимий дарсга қатнашишини таъминлаш, уларнинг таълим олишларидаги қизиқишларини янада ошириш мақсадида энг аълочи, фаол ўқувчиларни аниқлаб, улар яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғинларига, ота-оналарига таълим муассасаси томонидан ташаккурномалар жўнатилди. Ушбу ҳаракатлар натижасида ўқувчиларнинг дарсга доимий қатнашиши ижобий йўлга қўйилди.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг вилоят босқичи якунига кўра, йигирма нафар Ҳаракатнинг мактаб ва коллежлардаги бошланғич ташкилотлари етакчиси финалга йўл олди. Эндиликда улар танловнинг республика босқичида вилоят шаънини ҳимоя қилишади.

Дилором АБДУҒАФФОРОВА

Танлов мавзуси: «Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

— мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш соҳасида ижтимоий шериклик-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

### ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ни кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

— ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

— ёшларга эҳтиёж мавжуд бўлган касбларни ўрганишига, олий ўқув юрлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

— истеъдодли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этилишига, ўз ижодий ва интеллектуал

салоҳиятини намоян қилишига шароит яратиш;

— ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан ошно қилиш;

— ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли хавф ва бошқа ёт таъсирлардан, савияси паст «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига сингдирилишидан ҳимоя қилиш.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар

тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшим-

чалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри Бунёдқор шоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтыда танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.



Хоразм вилоятида илк бор «Bank Expo — 2013» кўргазмаси ўтказилди. Унда мамлакатимиз банк-молия тизимида эришилган ютуқлар, соҳада татбиқ этилаётган замонавий технологиялар, банклар томонидан кўрсатилаётган янги хизмат турлари намойиш этилди.

## Янги имкониятлар

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма доирасида тижорат банклари томонидан тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар ўртасида ўтказилган бизнес лойиҳалар танлови ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бундан ташқари, вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда фаоллик кўрсатган тижорат банклари, шунингдек, бу йўналишдаги танлов ва лойиҳаларни ташкил этишда яқиндан қўмаклашаётган ташкилотлар махсус дипломлар билан тақдирланди. Рағбатлантирилганлар орасида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази ҳам бор.

— Марказимиз ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларга бизнес режа тузишни ўргатиш, имтиёзли кредитлар олишда қўмаклашиш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш йўналишида фаолият олиб боради. Бугун ушбу саъй-ҳаракатимиз ижобий баҳоланганидан мамнунман. Бундай эътироф кейинги ишларимизга далда бўлади, албатта, — дейди «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Жамшид Аллашуқуров.

Кўргазма давомида иштирокчилар тижорат банкларининг вакиллари билан бевосита мулоқот қилиш, банклар салоҳиятини баҳолаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлдилар.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

# Бўлажак муҳандис ва замонавий технологиялар

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида замонавий ёш кадрларни тайёрлаш бўйича Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг автоматика ва ахборот технологиялари кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, уларнинг илғор тажрибалари таълим жараёнига татбиқ этиляпти.

Хусусан, «Promeng: Россия, Украина ва Ўзбекистонда муҳандислик соҳасида амалиётга йўналтирилган магистратура дастурлари» лойиҳасини олайлик. Мазкур лойиҳа ҳақида автоматика ва ахборот технологиялари кафедраси доценти Зоир Узоқов шундай дейди:

— Лойиҳанинг бош мақсади муҳандислик соҳасида касбга йўналтирилган магистрлик ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва шароитимизга мослаштирган ҳолда иқтисодий ривожланишда таълим тизимининг ролини кучайтиришдан иборат. Шу кунга қадар лойиҳа доирасида муҳандислик соҳасида магистратура мутахассисликлари учун амалдаги ўқув режаларининг умумлаштирилган таҳлили асосида магистрлар учун тўртта янги: «Амалий информатика ва рақамли ахборотни узатиш тизимлари», «Механика, электротехника ва электроника соҳаларида CAD/CAE/CAM лойиҳалаш», «Сифат инжиниринги», «Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида инжиниринг ва бошқарув» ўқув курслари ташкил қилинди. Шунингдек, «Ишлаб чиқариш тизимларини моделлаштириш», «Реинжиниринг», «Муҳандислик масалаларини ечиш назария-

си ва амалиёти», «Муҳандислар учун қўшимча кўникмалар» ўқув модуллари ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига татбиқ этилди, амалий машғулотлар ўтказиш учун янги лаборатория инфратузилмаси яратилди.

Лойиҳа доирасида институтнинг тўрт нафар профессор ўқитувчиси Берлин техника университети ва Лессиус-Мехелен университети (Бельгия)да малака ошириб қайтди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни модернизациялаш, турли соҳаларга автоматлаштириш воситаларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Технологик жараёнларни лойиҳалаш, ростлаш, назорат қилиш ва бошқариш тамойиллари ва тизимларини ишлаб чиқиш ва яратиш, улардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш масалалари кундан кунга долзарб бўлиб бормоқда.

2010-2011 ўқув йилидан бошлаб Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида «Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш» таълим йўналиши ҳамда автоматика ва ахборот



рот технологиялари кафедраси ташкил этилган эди.

Бугунги кунда мазкур йўналишда 112 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 25 нафар профессор-ўқитувчи замонавий педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни қўллаган ҳолда билим ва кўникма бермоқда. Тошкент давлат техника университетининг ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқаришда ахборот технологиялари кафедралари билан илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик ўрнатилган.

Кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва таълим жараёнининг бевосита ишлаб

чиқариш билан интеграциясини таъминлаш мақсадида «Тадқиқот — фан — ишлаб чиқариш» тамойили асосида кафедра мудири, доцент Алишер Маллаев раҳбарлигида Қашқадарь вилоятидаги Шўртангаз кимё мажмуаси, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Қашқадарь «Сувлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти, Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан корпоратив ҳамкорлик йўлга қўйилган.

**Усмонкул ПРИМОВ,**  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

## Текин ошнинг тоши бор



Ҳукм ўқиб эшиттирилгач, суд залига бир муддат оғир сукунат чўкди. «Ўспиринлар коллеж ётоқхонасида яшашар экан, уларнинг жиноят кўчасига кириб кетганини тенгқурлари ёки ўқув юрти маъмурияти сезмадимикан?». Бу каби саволлар залда ўтирганларнинг кўнглидан ўтган бўлса, ажаб эмас.

Бухоро политехника касб-хунара коллежи ўқувчиси Достон Тўраев ва унинг ҳамтовоғи Нуржон Турсунов телефон тизимини баҳонасида шаҳар марказидаги бозорлардан бирида очилган устахонага иши тушди-ю, бу ерга тез-тез қатнайдиغان бўлиб қолишди. Ҳар қандай телефонни бирпасда «янгилаб» сотишга уста бўлиб кетган Озод Расулов бу икки ўспиринни авраб, «даромадли иш» қилиш мумкинлигига шаъма қилди. Уйлаганидек, шогирдлар устози кутганидан ҳам абжирроқ чиқиб

қолди. Энди икки оғайни кеч тушди дегунча ётоқхонадан қаергадир ғойиб бўлишди. Гоҳида кимнингдир телефони йўқолиб қолса ҳам ҳеч ким уларнинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланмаганига ажабланасан, киши. «Бир кўнғироқ қилиб олсам майлими?». Бундай илтимосга, табиийки, ҳеч ким йўқ демайди. Одамларнинг соддалигидан фойдаланган устаси фаранглар телефонни олиб, зумда қочиб кетишди. Кейинчалик «полвонлар» фақат телефон билан чекланиб қолишмади. Кеч туш-

ганда пана-пана жойларда пайт пойлаб ўтган-кетганини кийим-кечагини, қимматбаҳо буюмларини ҳам куч ишлатиш йўли билан талон-торож қилишга ўтишди. Оқиб келаятган мўмай даромад «удда-бурон»ларни янада рухлантириб юборди. Энди улар ётоқхонадан кеч тушди дегунча чиқиб кетишар, вақт алламаҳал бўлганда қайтишарди. Ҳеч ким, қаерга кетяпсизлар, деб сўрамади. Натижада икковлоннинг ови бароридан келаверди.

Қиш кунларининг бирида кўпқаватли уйлар орасидан ўтиб кетаётган йўловчи бошига тушган зарбадан ерга ағанади. Кетма-кет тушган зарбалардан хушини йўқотди. Бу гал уларга устозлари Озод ва Иброҳим исмли йигит ҳам қўшилди. Пайтдан

фойдаланган шериклар бирпасда йўловчининг кийимларини ечиб олиб, ғойиб бўлишди. Ўлжани бўлишиб олиш мақсадида Бухоро давлат университети яқинида учрашишди. Костюм ва чўнтагидаги пулларни олиб, ҳамён ва калитларни ариқ бўйига улоқтиришди. Ибн Сино номидаги амфитеатр ёнидан ўтиб кетаётган йигитлардан алдов йўли билан олинган телефон аппарати ҳам бирпасда талончиларнинг ўлжасига айланди. Бироқ талончиларнинг жинояти эртасигаёқ фож бўлди. Университет ётоқхонасини таъмирлаётган усталар ишдан қайтаётиб, ариқ ичида ётган ҳамёнда телефон симкарталари ва фотосуратларни топиб олишди. Топилманинг эгасига қайтарилиши мазкур жиноятларга барҳам

берилишига олиб келди.

Олиб борилган тезкор қидирув-суриштирув ишлари натижасида тўданнинг кирди-корлари фож бўлди. Талончилик жинояти содир этган бу йигитларнинг қилмишлари суд томонидан қонуний баҳолашиб, уларга тегишли жазо берилди. Озод Расулов ва Иброҳим Амоновга тўрт йил олти ой, Нуржон Турсуновга тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, Достон Тўраевнинг ҳали вояга етмаганлиги инобатга олиниб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шуни айтсалар керак-да, текин ошнинг тоши бор, деб...

**Шомурод ЭРГАШЕВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи.  
**Лайло ҲАЙИТОВА,**  
«Turkiston» мухбири.

# Футболимиз тараққиёт босқичида



## СПОРТДА МАЙДА ДЕТАЛЛАР БЎЛМАЙДИ

Бир ёш рассом чизган суратига шунчалик тикилармиш, яқиндан қарармиш, узоқдан қарармиш, бинойига ўхшаб кўринармиш-у, лекин нимадир, нимадир етишмаётганини кўнгли сезармиш. Уша «нима»нидир ўйлармиш, ўйлармиш, ҳеч ақли етмасмиш. Устозидан ўрганганларининг ҳаммасига риоя қилибди, санъатнинг барча талабларини бажарибди, лекин... Кел, дебди охири, устозимни ёрдамга чақирай. Устози келиб расмга қарабди-ю, бир жилмайиб, қаламингни бер, дебди. Картинага қалам тегизиб, андак ишлов бергандай бўлган экан, асар бутунлай очилиб кетибди.

Ҳа, ҳаётда гоҳида кўзимизга жуда кичкина кўринадиган нарсалар, аслида, жуда катта натижаларга, агар у ёмон маънодаги кичкина нарса бўлса, катта оқибатларга олиб келиши мумкин экан.

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионати саралаш беллашувларининг ҳал қилувчи палласига келиб, жуда қулай имкониятдан фойдалана олмаса — меҳмонда Жанубий Корёя термасига ютқазиб, ўз майдонида Қатарни керакли ҳисобда енга олмай, сал дағалроқ қилиб айтганда, «ўзининг машаққатини ўзи кўпайтириб» олган, ўйлаиб қолдим. Бу футболимиздаги кичик омадсизликми? Умуман, бу ҳолатни омадсизликка йўйиш ўзи қанчалик тўғри? Муаммо терма жамоа мураббийлар штабининг сўнги ўйинлардаги кичик тактик хато-ларидами ёки... Балки бу ҳақда гапириш мавриди келгандир, деган мулоҳазада кўлимга қалам олдим.

## ЁШЛАРИМИЗ ИЖРОСИДА ЗАВҚЛИ ФУТБОЛ

Футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз кейинги беш-ўн йилдан буён мунтазам равишда Осиё чемпионатларининг голибликка даъвогар энг кучли жамоалари сифатида эътироф этиб келинмоқда. Ўсиш-ривожланиш яққол намоён бўлди. 1989, 1993, 1994, 1996 йилларда туғилган футболчилардан иборат ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз бутун қитъада энг етакчилар сафидан жой олди. Айниқса, 1994 йилда туғилган ёшларимизнинг ўсмирлик чоғида (ўн етти ёш пайтларида) жаҳон чемпионатининг чорак финалигача етиб боргани, 1996 йил туғилган ўсмирларимизнинг Осиё чемпиони бўлиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритганини ҳар қанча эътироф этсак, арзийди. Бу ғалабалар замирида нима ётибди? Бу футболимизга ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётганининг меваси,

Халқимизда, жўжани кузда санайдилар, деган нақл бор. Футболчиларимиз ҳам жўжани кузда санайдиган бўлишди. Миллий терма жамоамизнинг бундан буёғига жаҳон чемпионати йўлидаги энг муҳим ўйинлари айнан куз фаслида бўлиб ўтади.

Дастлаб футболчиларимиз олтинчи ва ўнинчи сентябрь кунлари Иордания термаси билан куч синашса, бу икки жамоанинг голибини кейинги босқичда Жанубий Американинг саралаш ўйинларидаги бешинчи ўринни эгаллайдиган жамоаси кутади.

си, болалар спортининг давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланаётганининг ҳосиласи эмасми?

Куни кеча Туркияда бўлиб ўтаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида футболчиларимизнинг Хорватия билан ўйинини кузатдим. Йигитларимиз европалик тенгдошларидан қайси жабҳада ортда қолишди? Агар озгина омад кулиб боққанда ёшларимиз чемпионатдаги иккинчи ўйинини ҳам ғалаба билан якунлаши мумкин эди (биринчи турда Янги Зеландия ёшларини 3:0 ҳисобида енга эдилар). Интернетда ёзишларича, хорватияликлар мураббийи бизникилардан анча чўчиган экан. Ўзбекистон кучли жамоа, деб тан олган экан. Йигитларимиз буни майдонда кўрсатишяпти! Жамшид Исқандаров, Сардор Раҳмонов, Аббосбек Махталиев, Игор Сергеев, Владимир Козак каби ёш футболчиларимизга манамен деган Европа клубларининг селекционер-мураббийлари қизиқиб қолишган. Ўзбек ёшларининг ўйини бутун дунёдаги футбол мухлисларини ҳайратга солаётти. Президентининг ўзи спортга катта аҳамият қаратаётган юртнинг ўғлонлари қандай шиддат, шижоат билан тўп суришаётганини кўриб, лол қолишяпти!

Бугун ўсмир ёки ёшларимизнинг жаҳон чемпионатларида иштирок этиши янгилик бўлмай қолди. Яқин-яқин йилларгача бу ёшдаги футболчиларимизнинг жаҳон чемпионатида чиқишини интизорлик билан кутардик. Кейинги йилларда эса бу ёш тоифаларидаги ўғлонларимиз бизни ғалабаларга ўргатиб қўйдик, энди биз улардан янаям юқори натижаларни кутадиган бўлдик. Хайриятки, улар ишончимизни оқлаб келишмоқда.

Афсуски, ўсмирларимиз, ёшларимиз уддалаётган ишни катта ёшли футболчиларимиз ижросида кўролмапмиз. Бунинг сабаби нима? Бу ҳақда бизда баъзи мулоҳазалар бор...

## НАВБАТ СИЗГА, ЙИГИТЛАР!

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида мураббийлар штаби йўл қўйган хатолар ўзларига аён — дўппини ерга қўйиб, мутахассислар билан бирга таҳлил этишар. Хулоса чиқаришар. Бизга эса футболчиларимизнинг камчиликлари стадионда ҳам, экранда ҳам рўй-рост кўринаяпти. Биринчиси, тезликнинг пастлиги. Айни пайтда миллий терма жамоага аъзо қайси футболчини жаҳон даражасида тезкор ўйнайди, деб кўрсата оласиз? Уч-тўртта бор, йўқ эмас. Аммо ўз олдига улкан мақсад қўйган жамоа таркибида барча футболчилар юқори

## Мулоҳаза

тезликка эга бўлишлари керак эмасми? Тезлик деганда у дарвозадан бу дарвозага учиб бориб-учиб келишнигина эмас, тез фикрлай олишни, тез қарор чиқаришни ҳам назарда тутаяпмиз. Иккинчидан, футболчиларимиз орасида стандарт вазиятлардан унумли фойдалана оладиган футболчилар жуда кам. Мен ўзим бир пайтлар Биродар Абдурайимов, Михаил Ан, Миржалол Қосимов ўйинларини кузатганман, қандай машқ қилишларини кўрганман. Биродар ҳам, Миржалол ҳам ўйиндан сўнг майдонда қолиб, соатлаб машқ қилишган. Бугун мен бирорта футболчининг шундай иштиёқ билан шуғулланишини билмайман. Футболчиларимизнинг бир ўйинда йигирма марталаб бурчакдан тўп тепиб, дарвозага хавф соломасликларини кўрсатса, хафа бўлиб кетаман.

Учинчидан, жамоамиз таркибида айрим ўйинчиларда шижоат кўзга ташланса-да, барибир аввалги куч ва тезликлари қолмагани сезилиб қолаяпти. Эҳтимол, терма жамоага кўп хизмати сингган, тезлиги, кучи бир қадар қайтган футболчиларни ортиқча қийнамаган маъқулдир. Уларнинг ўрнига жаҳон чемпионати ҳавосидан нафас олган ёш, ғайратли ва тезкор ўйинчилар жалб этилса, менимча, кейинги муҳим ўйинларда бунинг нафани кўрамиз. Иордания, ундан ўтолсак, Жанубий Американинг бешинчи жамоаси билан учрашувларда жамоамиз янги куч ва иштиёқ, янги руҳ ва кайфият билан тўп сурса, жаҳон чемпионатида чиқиш орзуимиз 2018 йилгача қолиб кетмайди, албатта.

Миржалол Қосимов ихтиёрида яна икки ойча вақт бор жамоага янги қон олиб кириш учун. Сентябрь ва, насиб этса, ноябрда бўлиб ўтадиган учрашувларгача термаимиз таркиби сезиларли равишда яшартирилмаса ва кучли, ғайратли, қулай имкониятларни кўкка совурмайдиган ёш футболчилар билан тўлдирилмаса, мақсадга эришиш мушкул бўлиши аниқ.

## ФУТБОЛ ВА ОАВ

### ёки қишлоқларда улғаяётган истеъдодлар

Спорт бугунги кунда мамлакат юзини кўрсатадиган воситалардан бири бўлиб қолди. Кураш, шахмат, дзюдо, бокс, сузмиш, эшак эшиш ва бошқа ўнлаб спорт турлари бўйича Ўзбекистон ёшлари эришаётган ютуқларга бутун жаҳон гувоҳ бўлмоқда. Мамлакатимиз ёшларининг салоҳияти Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларда кўзга ташланмоқда.

Шу ўринда савол пайдо бўлади, оммавий ахборот воситалари спортни ёритишда қанчалик муваффақиятли иш олиб бораёпти? Мақоаларимиз, телевидение ва радиодаги спортга оид ақсарият чиқишларимиз қуруқ мақтовлардан иборат бўлиб қолмаяптими? Ютуққа эришган ёш спортчиларимизни кўкка кўтариб мақташ бўйича жаҳондаги ҳамкасбларимиздан анча олға кетиб қолмаяпмизми? Керак пайтда уларни танқид қилишни ўринлатаёпмизми? Холис таҳлил қила олаяпмизми? Бор воқеликни холис акс эттира олаяпмизми? Менимча, йўқ. Спортга оид айрим телекўрсатувларимизда ёш ҳамкасбларимиз фақат башорат қилишу, «агарда», «мабодо», «бордию» каби сўзларни ишлатиб, ҳаммага маълум ҳақиқатларни қайтаравериш билан эфир вақтини тўлдирётгандек туюлади.

Айтмоқчи бўлганим, футболимизга давлатимиз, ҳукуматимиз қанчалик эътибор бермасин, қўллаб-қувватламасин, унинг ривожини йўлида барча-барчамиз бирдек жон койитмасак, улкан марраларга эришмоғимиз даргумон бўлиб қолаверадим. Имкониятлардан самарали фойдаланиш — муваффақиятлар гарови.

Қишлоқларимизда миллионлаб иқтидорлар улғайишмоқда. Уларнинг истеъдодини кўра оладиган мураббийлар керак. Уларни топиб, тарбиялаб, жамоаларимизга етказиб беришса, ўйлайманки, бундан биринчи навбатда, миллий терма жамоамиз наф кўради.

**Сайди УМИРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

## Абитуриентга кўмак

**Тошкент давлат шарқшунослик институтида жаҳон сиёсати ва тарихи, Шарқ филологияси ва фалсафа, Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультетлари мавжуд. 2013-2014 ўқув йили учун институтта бакалавриятнинг қуйидаги таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилинган:**

### Филология ва тилларни ўқитиш:

— филология ва тилларни ўқитиш (араб, форс, турк, уйғур, дарий, пушту тиллари); филология ва тилларни ўқитиш (япон, хитой, корейс, ҳинд, урду, индонез, малай, вьетнам тиллари); филология ва тилларни ўқитиш (шарқ мумтоз тиллари); таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича); тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича); жаҳон сиёсати; хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик.

### Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик:

— Узоқ Шарқ, Жанубий Осиё ва МДХ давлатлари (япон, ҳинд, урду, индонез, малай, вьетнам ва бошқа тиллар билан); хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик: Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ (араб, форс, турк, дарий, пушту, испан тиллари билан); хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик: Хитой ва Корёя (хитой ва корейс тиллари билан).

Бу йил Тошкент давлат шарқшунослик институтининг бакалаврият босқичига жами 415 нафар абитуриент ўқишга қабул қилинади. Шундан 59 та ўрин давлат гранти, 356 та ўрин тўлов-контрактга ажратилган.

Магистратура босқичига ажратилган умумий қабул квотаси 140 тани ташкил қилади (шундан 15 та давлат гранти, 125 та тўлов-контракт асосида).

Бакалаврият босқичига ҳужжат топширган абитуриентлар таълим йўналишига қараб қуйидаги фанлардан тест синовларидан ўтишади:

филология ва тилларни ўқитиш: она тили ва адабиёт, чет тили, тарих; таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича): она тили ва адабиёт, чет тили, тарих; тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича): тарих, она тили ва адабиёт, чет тили; жаҳон сиёсати: тарих, чет тили, она тили ва адабиёт; хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик: математика, чет тили, она тили ва адабиёт.

Шарқ тилларига ихтисослашган мактаб ва лицейларни тамомлаган абитуриентлар тест синовлари фанлар блокадаги чет тили ўрнига шарқ тилларидан ижодий имтиҳон топширишлари мумкин.

# Меҳр тараннуми

Шоир Ўткир Раҳматнинг «Ўтли руҳ» китобини ўқиб...

Бу оламда биз, инсонлар англаб етмаган синоатлар кўп. Инсон руҳияти ана шундай буюк мўъжизалардандир. Руҳнинг асовлиги, эркалиги, бир вужудга сиғмай, улугларимиз айтмиш «гоҳ олов, гоҳ тизгинсиз денгиз бўлиб, гоҳ юксак қояларда нурланиб дарбадар кезиниб» юриши сингари жиҳатлари бир қадар маълумдек кўринса-да, унинг моҳияти, асл табиати, бутун борлиги барибир, Яратгангагина аёндыр.

Шеър ҳам кўнгил билан руҳиятга боғлиқ ҳодиса. Ундаги ҳиссий тебранишлар, жилоланишлар, туйғуларнинг гоҳ сокин дарё мисол жимир-жимир оқиши, баъзан тоғдаги шаршара янглиғ шиддату шахт билан юраклардан юракларга урилиб, вужудни ларзага солиши ҳам балки шу туйғулидир.

Эл суйган ижодкор, шоир Ўткир Раҳматнинг янги — «Ўтли руҳ» китобига жам бўлган шеърларни мутолаа қилгач, шеърининг нақадар мўъжизакор, инсон қалбининг қанчалар кенг, руҳиятининг қанчалар бепоён, покиза руҳларнинг қанчалар кўкка интилувчан, умидвор эканига амин бўласан, киши.

Шоир лирик қаҳрамонининг руҳияти шундай беғубор, у севгини ҳаммаша пок юрак билан ҳис этади. Бу юракда гина йўқ — тушуниш бор, унда бировга ёмонлик ё ҳасад йўқ — ҳавас ва умид бор. Шунинг учун ҳам у ёшлик тароватини, назоҳатини йўқотмаган. Орадани қирқ йил ўтса ҳам, умид ўлмаган, ўртада қандай девор бўлмасин, унинг бир кун нурашига ишонч бор. Бу — ҳажрнинг мағлуб, васлнинг абадий фолиб келмоғига бўлган юксак ишонч.

*Ўзгармаган, бўй-басти шундоқ,  
Эски девор турар ўртада.  
Қирқ йилдирки савол ҳам шундоқ,  
Нима бўлса бари ўртада.*

*Ҳаётимиз шундоқ ўтаркан,  
Деразадан қоламан қараб.  
Қачон девор нураб кетаркан,  
Келармикан у мени сўраб.*

**(«Ўзгармаган бўй-басти шундоқ» — 27-бет).**

Шоир ҳаётига, ўтмишига, ўзлигига ҳаётнинг паст-баландини кўриб қўйган донишманд қалбнинг хотиржам кўзлари билан назар ташлайди. Унинг кўз ўнгидан болалик, йигитлик, фасоҳатга йўғрилган ўртаёшлик даври бир-бир ўтади. Бошига «Хумолар кўнган, кўнгил алёр айтиб, вужуди кулган» бугунги масъуд кунларига боқадди, дилида шукроналар туюди. **(«Кўзим ўнгиди» — 4-бет).**

Ушбу китоб шариллатиб, кейинги шеърга қачон ўтаман, деб шошиб, ҳовлиқиб ўқилмайди. Бир шеърни ўқиб, хаёл уммонига чўмасиз. Муаллиф сиймосини кўз олдингизга келтириб, унинг шоир қалбига ҳамроҳ бўласиз, изтиробларини ҳис этиб, ўрни келса, ҳамдард, ўрни келса, дўст, сирдош бўласиз.



*Ишқнинг китобини  
Мен ҳам ўқидим,  
Ранго-ранг туйғулар баҳсин тўқидим,  
Ҳаёт дарёсини кечдим, илҳақман,  
Ҳамон меҳр кутган  
Ўткир Раҳматман...*

«Ўтли руҳ» китоби сизни меҳр оламининг хароратли кенгликларига бошлайди.

Китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган.

**Элмурод НИШОНОВ**

РУСТАМ РАСУЛОВ:

## «Санъат — менинг тақдирим!»

Таниқли режиссёр, актёр Рустам Расулов ижро этган роллар ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Бунга сабаб унинг санъатга меҳри, садоқати, десак, янглишмаймиз.

Санъаткор бу йил ҳаётининг олтмишинчи саҳифаси билан юзма-юз турибди. Бу саҳифалар ҳар бири алоҳида мазмунга эга. Қуйида устоз ижодкорнинг ҳаёти билан танишган тенгдошларимиз бунга ишонч ҳосил қилади.

### ИЛК КАДАМ

— Тошкент шаҳрида туғилганман. Болалигим Ишчилар шаҳарчаси яқинидаги Баҳор кўчасида ўтган. Маҳалламизда саккиз йиллик мактаб бўларди. Дастлаб шу мактабда таҳсил олдим. Кейин тумандаги ўн йиллик мактабда ўқидим. Биз ўқиган дамларда ҳам мактаб саҳнасида спектакллардан кичик-кичик лавҳалар кўйиларди.

Бир кун мактабимизда адабиёт ўқитувчиларининг семинари ўтадиган бўлди. Адабиёт ўқитувчимиз, раҳматли Инобат опа менга, шу семинарга бир спектакль тайёрлаймиз, унда Хусайн Бойқаро ролини ижро

ларгача олганимиз эсимда. Хусайн Бойқаро ролини элимизнинг ардоқли санъаткори Асад Исмаилов ўйнаган экан. У киши кийган кийимлар менга лойиқ келди. Ясама соқол ёпиштириб, грим қилиб, саҳнага чиқдим. Шундан кейин ўртоқларим мени Хусайн Бойқаро деб қақирадиган бўлди.

Яна бир гап: бир кун Бахтиёр деган танишим, Лабзақда драма тўғараги очилибди, бормаймизми, деб қолди. Бордик. У ерда раҳматли Учқун Раҳмонов тўғарақ раҳбари экан. У киши болаларни яхши кўрар, билмай сўраганларимизни такрор ўргатишдан чарчамасди. Роллар-



моша қилардим. «Театр микрофон олдида», «Табассум» эшитиришларини тинглаш учун радионинг олдида кетмасдим. Бу менинг театрга муҳаббатимни оширган, деб айта оламан.

### МАЙЛИ, АРТИСТ БЎЛАҚОЛ

— Мактабни битирганимдан кейин ҳужжатларимни ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига топширдим. Ижодий имтиҳонда жуссамга мос бўлмаган роль олган эканман, бўйи пастроқ экан, кейинроқ келсин, деб «йиқитишди». Олий ўқув юртига киролмаганимдан кейин ҳозирги Тошкент маданият коллежига ўқишга кирдим.

Шиллернинг «Қароқчилар» асарини диплом спектаклим сифатида танлаганман. У кўпчиликка маъқул бўлгани боис, «Ёш томошабинлар» театрида ҳам қўйдик. Томошабинлар яхши қабул қилди.

Антракт пайтида актёрлар хонасида қиличбозлик саҳнасини машқ қилиб турган эдик. Икки киши келиб, исм-фамилияларини айтиб, эртага бизга учрашинглар, деб кетди. Кейин билсак, улар — театр директори ва бош режиссёри экан.

Эртасига уч киши бўлиб бор-

дик. Бизни актёрликка қабул қилишди. Уйга бориб айтсам, уйдагилар аввалига, театрда ишлайсанми, артист бўласанми, деб қаршилик қилишди. Мен ҳам бўш келмадим, одамлар у ерга институтни битириб ишга киради, мени эса, олий маълумотли бўлмасам ҳам қабул қилишди, дедим. Дадам раҳматли санъатга муҳаббатимни билиб, майли, артист бўла қол, деб розилик берган. Шунга ҳам қирқ йил бўлибди.

Кейин ўзим орзу қилган институтга ўқишга кирдим. У ерда нутқ маданиятидан устоз санъаткор Назира Алиева дарс берарди. Шу кишидан кўп сабоқлар олганман. Устоз фазал ўқишни пухта ўргатар эди. Мен шунга озгина эътиборсиз эдим, яхши ўрганиб олмаган эканман. Эслаб ҳозир ичимдан қиринди ўтади. Маҳорат дарсини Арсен Исмоилов ўтган. У киши, актёр кўп ўқиш ва ўқиш орқали ўзини, ўзлигини намоян қилиб боради, дер эди.

Курсимиз жуда аҳил эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Маҳмуд Исмоилов, Файбулла Ҳожиёв, Ҳошим Арслонов, Матқуб Матқонов билан талабаларнинг унутилмас онларини ўтказганмиз. Ҳозир ҳам йиғилишиб қолсак, ўша дамларни соғиниб эсга оламиз.

### УСТОЗИМ — САҲНА

— Бир шоирнинг, ўтган дамлар ҳаммаша тотли, деган мисраси бор. Чиндан ҳам шундай. Мен ўтган йилларни кўп эслайман.

Айтганимдай, «Ёш томошабинлар» театрида иш бошлаганман. Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиевдан саҳна сирларини ўргандим.

Саҳнада ўйнаган биринчи бош ролим америкалик бола образи бўлган. Унда устозим Хайрулла Саъдиев рус бола ролини ижро этган. Саҳнада ижро пайтида томошабинларга кўзим тушиб, айтадиган сўзим эсимдан чиқиб қолган. Саҳнада бир лаҳза ўн йилдек туюлишини ўшанда ҳис қилганман. Ваҳимага тушганимда Хайрулла Саъдиев усталик билан нафақат мени, бутун ижодий жамоани ноқулай вазиятдан олиб чиққан. Уша-ўша, бу санъаткорга ихлосим бўлди, устозим, деб айтаман. Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаевнинг ижро маҳорати ҳам менга ўзига яраша сабоқ бўлган.

### НИЯТ МАҚСАДГА ЭЛТАДИ

— Отамнинг бир гапи асло ёдимдан чиқмайди: «Инсон учун ният жуда муҳим. Шу боис кўнглингдаги ниятларинг тоза бўлсин. Эртага бу ниятлар мақсадларга айланади. Ва ўзинг истаган обрў-эътиборга эга бўласан».

Мана, олтмиш ёшни ҳам қарши олдим. Отам айтган сўзлар худди кеча айтилгандек ҳамон қулоғимда жаранглайди. Ҳар доим яхши орзулар билан яшайман. Уларни амалга оширишга бўлган иштиёқ мени тиним билмай ижод қилишга ундайверади. Мухлислар учун радио ва телевидение орқали ҳали кўп салмоқли ишларни амалга ошираман. Бунинг учун куч-қувватим ҳам, салоҳиятим ҳам етарли.

**Файрат МАЖИД  
ёзиб олди**

## «TURKISTON» МАЪЛУМОТНОМАСИ

### Роллари:

Самуэл Маршакнинг «Бебаҳо бола»сида Жорж; «Менинг укам Юра»да Юрий Гагарин; Умида Усмонованинг «Азизим ёки чорраҳадаги уй»ида Қодир ака; «Ойгул ва Бахтиёр»да муаллиф, яъни Ҳамид Олимжон; Вильям Шекспирнинг «Ричард III»ида Глостер Ричард III.

### Режиссёрлик ишлари:

Хуршид Давроннинг «Соҳибқирон васиятлари» асари асосидаги беш қисмли радиопостановка; Шомирза Турдимов ва Мухаммадали Қўшмоқовнинг «Алпомиш» асари асосидаги радиопостановканинг 1-, 2-қисмлари; Фарход Мусаёнов ва Абдулхай Носировнинг болаларга ёзилган «Етти булоқ» асари асосидаги радиопостановка.

этанга, деди. Шундан сўнг ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрига бордик. У ерда турли кийимлардан, ҳатто грим-

ни қандай тушуниш, томошабинга қай йўсинда тақдим этиш борасидаги фикрлари ҳамон ёдимда.

Болалигимда киноларни, видеофильмларни қолдирмай то-

Ifixor

Шаҳрисабз, деганда кўз олдимиға ўзининг ақл-заковати, беқдѣс салоҳияти билан жаҳонни ҳайратга солган Амир Темури бобомизнинг буюк сиймоси гавдаланади. Шаҳрисабз, деганда яна кўз олдимиға мангу яшил шаҳар, юлдузларга тўла беғубор осмон, юксак Ҳисор тоғлари келади.

## Зумрад шаҳар

Бу шаҳар бу улуг зотнинг бешигини тебратган, уни камолга етказган мўътабар замин. Соҳибқирон бобомизнинг эл-улусни бирлаштиришида, она юртни босқинчилардан озод қилишида, буюк ва қудратли давлат қуришида айнан шу замин куч-қудрат, мадад берган.

Шаҳрисабз қадимдан илм-фан, маданият маскани бўлгани учун ҳам у «илму адаб куббаси», дея эътироф этилган. Бу шаҳар кўлигул усталари, моҳир хунармандлари билан шухрат қозонган. Мана шу заминда қад кўтарган, етти иқлимга маълум ва машҳур Оксарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Кўкғумбаз каби муҳташам обидалар ва бетакрон ёдгорликлар, шу тупроқдан топилган ноёб осори атиқалар бунинг яққол тасдиқлайди.

Қашқадарё воҳасининг зумрад-гавҳари — Шаҳрисабзни ҳар гал зиёрат қиларканман, кўнглим фахрифтхорга тўлиб кетади.

Феруза ИСКАНДАР қизи



Yoz — 2013

## Оромгоҳда қувноқ лаҳзалар

Айни кунларда ёзги дам олиш оромгоҳлари болажонларнинг қувноқ ва севимли масканига айланган. Юқори Чирчиқ туманидаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган оромгоҳларда болажонларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли мавжуд саккизта умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган оромгоҳларнинг биринчи босқичида 400 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқарган бўлса, айни кунларда иккинчи босқичда яна шунча ўқувчи ёзги таътилни мароқли ўтказяпти.

Оромгоҳларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, қувноқ учрашувлар, қизиқарли спорт мусобақалари болаларга хуш кайфият улашяпти. Оромгоҳ кўйнида чиниққан болалар ўқишда ва меҳнатда камолот сари интиладилар.

Гулжаҳон СУВОНОВА



\* \* \*

... фақат дарахтларга  
ошино кўнглим,  
фақат дарахтларга ошиқадирман...  
... Миртемир талпинган  
махзун мажнунтол —  
Машрабнинг патила  
сочларимикан?..

... фақат дарахтлардан  
изладим калом,  
бир ҳақнинг каломин,  
хур эрк каломин...  
... заминга санчилган  
патсимон терак —  
Навоий ушлаган ўтлиғ қаламми?..

... йиғласа ёшини ютади дарахт,  
на ерга, на кўкка бўзлар додини...  
... манов каллаклаган  
озурда шотут —  
бирорта бечора шоир зотими?..

... елга ҳам, ерга ҳам эркалик қилар,  
самимий тушунар алдоқларини...  
... дарахтлар тушунмас модернизмни,  
кўз-кўз қилаверар бармоқларини...

... дарахтдай тобора кўкараяман,  
жонимга озуқа баҳи этар тупроқ...  
... қўлларимни кўкка кўтараяман,  
ҳавода силкинар сап-сариқ япроқ...

\*\*\*  
Ота,  
меҳнат дегани  
бемаврид абр экан,  
қора сочларингизга  
ҳижжалаб қор элабди.

Она,  
заҳмат дегани  
қип-қизил шоир экан,  
қаранг, пешонангизга  
сатрлар қоралабди.

## КИТОБХОН

Кучоқлаб келди-ю бир қалин китоб,  
варақлаб-варақлаб  
ўқий бошлади.

Бир бет ўқиди-ю,  
кўзи илиниб,  
ухлади  
кўзини кўмиб қошлари.  
Уйқу китобдан зўр,  
китоб ўқишга  
етмайди озгина сабр,  
куч, чидам.  
Китобнинг давомин уйқу ўқийди,  
китобнинг давомин кўрар тушида.  
Китоб — она.

Унга алла айтади,  
у эса ухлайди хуррак отганча.  
Ҳали минг бир кеча шундай ўтади,  
ҳали у ухлайди  
шундай ётганча...

... Китобни варақлар кўзин юритиб,  
на бир сўз,  
наинки маънин уқийди.  
Бу одам доим шу —  
уйқуси келса,  
ётганча эринмай китоб ўқийди.  
Ногоҳ юрагимни эзади нола,  
бўғзимни йиртади норасмий хитоб:  
ухламоқ учунмас,  
уйғонмоқ учун  
қачон ўқийдилар баъзилар китоб?..

\*\*\*  
Санга кетсам,  
санга етсам,  
ўздан кечиб, ўздан кечиб.  
Нурни эмсам,  
нурга энсам,  
кўздан кечиб, кўздан кечиб.

## Nafis tuyg'ular

Надин манда бу телба дил,  
зоҳирим — гил,  
ботиним — гил.

Чархи фалак чархлаган бул —  
сўздан кечиб, сўздан кечиб.

Ой — ғам тўлган бошим бўлса.  
юлдузлар — кўз ёшим бўлса.  
Фақат ишқинг ошим бўлса,  
туздан кечиб, туздан кечиб.

Қароғларинг — шаббим. Кулса.  
Ман-ла бўлсанг,  
сан-ла бўлсам.  
Кўзларингни танлаб ўлсам,  
рўздан кечиб, рўздан кечиб.

Гул, аслингни умид этсам,  
гул, васлингни умид этсам,  
гул фаслингни умид этсам,  
куздан кечиб, куздан кечиб.

Бор-будимни бериб кетсам,  
нурларингни шерик этсам...  
Юраккинам эриб кетса,  
муздан кечиб, муздан кечиб.

Санга кетсам,  
санга етсам,  
ўздан кечиб, ўздан кечиб...

\* \* \*

ва яна тиллосин йўқотиб осмон  
ва яна шаррослаб йиғласа ёмғир  
ва яна муҳаббат бўлиб саргардон  
ва яна жисиллаб тинмаса бағир

ва яна намиққан жиққа тушларим  
ва яна ивиган кўзнинг сурати  
ва яна илкингни илкис ушладим  
ва яна ўпмоққа етмас журъбатим  
ва яна...

\* \* \*

Энди билдим кимлигимни мен,  
Энди билдим ҳақиқий ўрним.  
Кўзларингга термулиб туриб,  
Илдиз отиб кетганим кўрдим.

\* \* \*

Юрагим энг сўнги япроқдек ғариб,  
Тириклик шамидай милтирар ҳавас.  
«Севасанми?» дея нафас чиқариб,  
«Севаман!» деганча оляпман нафас...

Муҳиддин АБДУСАМАД

Ярим соат  
суҳбат учун

«Apple» компаниясининг асосчиси ва собиқ раҳбари Стив Жобс ажойиб нотик эди. «Apple»нинг Жобсдан кейинги раҳбари Тим Кук моҳир нотик бўлмаса-да, техника илмини пухта ўзлаштирган кучли бошқарувчи.

Бундай ўз ишининг устаси билан мароқли суҳбат қуришни хоҳлаганлар кўп. «CharityBuzz» хайрия ташкилоти бу инсон билан бир финжон қаҳва устида суҳбат қуришни ният қилганлар учун кимошди савдосини ўтказди. Бошлангич нарх беш минг доллар дея белги-ланган. Нарх эллик мингга етганда исмини ошкор этишни хоҳламаётган шахс нақ 610 минг доллар таклиф қилди ва савдога нуқта қўйилди. Эндиликда бу бойвачча Кук билан 30 дақиқалик суҳбатга ўзи билан яна бир кишини ҳам олиб келиши мумкин.

Касильяс — буюк  
футболчи

Испания терма жамоаси ва «Реал Мадрид» футбол клуби дарвозабони Икер Касильяс келаси йили бўладиган мундиалдан сўнг терма жамоадан кетишини айтиб ўтди.

«Ўтган мавсум фаолиятимдаги энг ёмони бўлди. Сабаби, жароҳатланганим туфайли анча вақт захира ўриндиғида қолишимга тўғри келди. 14 йиллик мунтазам фаолиятдан сўнг тўрт ой майдонга туша олмаслик — огир. «Реал»нинг омадсизлиги ҳам менга қаттиқ таъсир қилди. Жаҳон чемпионатидан сўнг терма жамоадан кетишга қарор қилдим. Қийин кунларда «Реал»ни тарк этиш ҳақида ўйлаб қолдим. Аммо энди бу клубда эканимдан бахтлиман. Жамоадолларимнинг эътиборини ҳис қилиш ёқимли. «Реал» манфаати учун тишимни тишимга босиб чидашга мажбур бўлдим», — дейди Касильяс.

32 ёшли Икер Испания терма жамоаси дарвозасини 2000 йилдан буён ҳимоя қилиб келмоқда.

Билим олишнинг  
кечи йўқ

Мексикада юз ёшли Мануэла Эрнандес Веласкес бошлангич мактабни тугатиб, шаҳодатнома олди.

Кекса ўқувчига шаҳодатномани «Аҳоли кекса қатламнинг саводини чиқариш» дастури раҳбарининг ўзи топширди. Дастур бўйича мактабда 65 ёшдан юқори минглаб саводсизлар савод чиқараяпти. Нафақахўр онахон китоб ўқиш севимли машғулоти экани ҳамда бу туфайли тез-тез кўзойнак алмаштиришига тўғри келаётганини айтди. Таълим тизими бошқарувчиси Норма Хименес Лопеснинг айтишича, кекса онахон журматга лойиқ. Сабаби, саводсиз юртдошларига яхши намуна бўлди.

Семириб, эгасига  
ташланди

Грузиядаги ҳайвонот боғларидан бирининг экзотариумидаги тимсоҳ ҳайвонот боғи директориға ҳужум қилди.

Оёғидан жароҳатланган Гурама Циклаури тоза ҳаво олиш учун экзотариумга кирганида шу воқеа рўй берди. Саккиз йилдан бери тимсоҳларга меҳр қўйган бу инсон тимсоҳидан хафа эмас ва иши шуни тақозо этгани сабабли барчасига тайёр туриши кераклигини айтди. Шунингдек, Нельсон лақабли бу тимсоҳга янада яхшироқ қарашга ваъда берди.

Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Sening tengdoshing

Tengdoshimga maktub

# Йигитнинг кўрки — ҳунар

Бир парча ёғочдан ҳам кўз тўймайдиган санъат асарини яратиш мумкин. Бунинг учун истеъдод, меҳнат, сабр-қаноат ва малака талаб этилади. Тенгдошимиз Раҳимхўжа Азларов ҳам шундай хислатларни ўзлаштириб, ёғоч ўймакорлиги сир-асрорини пухта ўрганиб келаётган ёш ижодкорлардан.

Раҳимхўжа Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби анъаналарини давом эттириб келаётган сулоланинг тўртинчи авлод вакилидир. Унинг бу соҳага қизиқшини отаси Йўлдош Азларов шундай изоҳлайди: «Қуш уясида кўрганини қилади, дейди халқимиз. Ўғлимда ҳам санъатнинг бу турига қизиқиш оилавий муҳит-

нинг таъсирида шаклланди. Унинг ўқишдан бўш вақтлари устахонамизда ўтган. Бу ерда у ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганиб борди».

Ёш уста «Ташаббус», «Навқирон Ўзбекистон», «Келажак овози» кўриктанловларида қатнашиб, фахрли ўринларни олган. «Навқирон Ўзбекистон»да «Хунарсандчиликни ри-

вожлантирувчи ёш уста» номинацияси ғолиблигига сазовор бўлган. Ижодий ишлари АҚШ, Малайзия, Туркияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

Тенгдошимиз мураккаб нақшларга бой курси, стол-стул, нафис кутичалар, юртимизнинг тарихий обидалари тасвирланган буюмлар, лавҳлар ясада моҳир. Буюмларга безак бериш жараёнида ислимий ва гиррих нақшлари билан биргаликда поғона-мапоғона усуллардан ҳам фойдаланади.

Раҳимхўжа Республика рассомлик коллежининг миниатюра рассомлиги йўналишини тамомлагани учундир, ўз ижод на-

муналарида ёғоч ўймакорлиги ва миниатюра санъатини уйғунликда қўллайди. Бу эса, ижодкорнинг асарларига ўзгача руҳ бағишлаб, ўзига хос ижодий услуб вужудга келишига сабаб бўлади. Асрлар оша сайқалланиб устоз-шоғирд анъанаси асосида ажоддан авлодга ўтиб келаётган Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби давомчилари орасида бу каби ёш истеъдодли усталарнинг борлиги анъаналарнинг бардавомлигини билдиради.

**Гулираъно ОРИФЖОНОВА,**  
**ЎЗМУ талабаси.**

Даврон Маҳмуджонов олган сурат

Сўроқ гап →														Хушбўй барг	Каби, мисоли, ўхшаш							Сув транс-порти		
Гармон тури	8	7	9													Танга-балик	Болгария валютаси	1	2	4				
				4	8	7	5							...	Кенг хона, фойе			4		6	5	3	9	
	4			7	2	6													1					
	3				1														8	6	1			
	2	5		6	4											Тур, хил			7	6	2	9	5	
	3	1	2	5															4					
				8	3									Сен (ше-вада)	Украина парламенти	Хазар					4		7	1
					2	9	5															6	9	
	Ташаккур	Километр (аббр.)														Тўп майдон ташкарасида	Рақам, сон	Дезодорант русуми				Мусиқий нота	Маблағ, пул	
														Европача «чилтор»	Массагетлар маликаси									
			8	7	1	4																		
					9	6	8									Совуткич (Самарқанд)			7	5	2	4	1	
			3		1															4	3		7	
	2			7	8	9								Апеннин ярим ороли	Автобус русуми				4	3	2			
			3	6																5	1		9	
			7	2	9	6																6	2	
	1				4																		5	
	5	8	1																			4	8	
	4	6	2	7										Ночор, мушкул						6	3	8	2	
Куй, мусиқа, наво																Хайвонлар ҳақидаги фан							1	

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## Омад шунчаки келмайди

Кўпинча ҳаётни театрга ўхшатишади. Кимдир бош ролни, яна кимдир иккинчи даражали ролни ижро этади. Саҳнадан фарқли жиҳати — ҳақиқий ҳаётда инсон ўз умрини яшаб ўтади. Уни нималар кутаётгани-ю, воқеалар қандай тугаши унинг ўзига боғлиқ.

Ҳаётда доимо етакчи бўлиш учун инсон ўз кучига ишониши, ёнида содиқ дўстлари бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Омадли бўлишнинг биринчи қоида-си ҳам қатъиятлилик, эзгу мақсад йўлида тинимсиз ҳаракат қилиш ва, албатта, садоқатли дўстларга эга бўлишдир. Атрофдагиларнинг ишончини қозониш ва уларга яхшилик қилиш ҳам кучли инсоннинг фазилатидир. Ҳаёт йўлидаги машаққатлардан чўчимаган инсон эзгу мақсадига етади. Гоҳида ҳафсаласи пир бўлиб турган кишини кўрсангиз, кўнглини кўтарингиз келади. Кимдир кўллаб-қувватлаш, дўстларга ёрдам қўлини чўзиш ҳам инсоннинг жамият ҳаётига дахлдорлигини ифодалайди. Катталарнинг намунали тарбияси орқали шакллантирилган яхши хулқ, тўғрисиқлик, меҳнатсеварлик инсоннинг эзгу мақсадларга етишишида йўл кўрсаткич вазифасини ўтайди.

Тасаввур қилинг, катта мақсад йўлида кетаётиб, рўпарангиздан ёпиқ эшик чиқди. Сиз уни тақиллатиб кўришдан чўчиманг. Эшик ортида нима борлигини кўринг ва сизни нималар кутаётганлигига хотиржам назар ташланг. Билим, меҳнат ва интилиш орқали ҳаётда ҳар қандай юксак чўққиларни забт этиши мумкин. Омадли бўлиш учун ҳаракат қилиш ҳаётда жасоратли бўлишнинг асосий қоида-сидир. Тўхтаб қолманг ва, албатта, сизга ҳаётда омад ёр бўлади.

**Феруза РАЖАБОВА,**  
Тошкент ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси

Калейдоскоп

### Эх, «МАРАКАНА»!..

Шу кунларда Бразилияда футбол бўйича Конфедерациялар кубоги мусобақаси ўтказилаяпти. Мезбонлардан бири — Рио де-Жанейро шаҳридаги афсонавий «Маракана» стадионидир. Ушбу стадион бугун бор-йўғи (!) 80 минг одамни ўз бағрига сиғдира олади. Ваҳоланки, бундан ярим асрлар муқаддам бу муҳташам даргоҳга икки юз минг киши ҳам сиғарди. Шу боисдир, унинг номи олдида «афсонавий» сўзини қўшиб гапириш урф бўлиб кетган.

Хўш, нега унинг сиғими бу даражада қисқартирилди? Гап шундаки, келаси йил бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати учун стадион махсус таъмирланди. То-мошабинларга қулайлик яратиш мақсадида унинг тик туриб томоша қилишга мўлжалланган жойлари олиб ташланди. Қўшимча шароитлар муҳайё қилинди. Натижада у дунёдаги нафақат энг йирик, балки энг кўркем спорт иншоотларидан бирига ҳам айланди.

Нилуфар АҲМЕДОВА тайёрлади

### YON DAFTAR CHANGIZGA

Яхшиликка яхшилик —  
Ҳар кишининг ишидир.  
Ёмонликка яхшилик —  
Мард кишининг ишидир.

Ўзбек халқ мақоли

Turkiston

#### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.



#### Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

#### Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

#### Навбатчи муҳаррир:

Юсупов  
Рустам  
Кўчқорович

#### Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-643.  
Адади — 13490  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 21.40  
ЎЗА якуни — 21.00

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6